мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарорни конунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда қабул қилиш;
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- қонунчиликга мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйдагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

сделка (в том числе заем, кредит, залог, поручительство) или несколько взаимосвязанных сделок, связанных с приобретением или отчуждением либо возможностью отчуждения обществом имущества, за исключением сделок, совершаемых в процессе осуществления текущей хозяйственной деятельности, и сделок, связанных с размещением акций и иных ценных бумаг;

- принятие решения по сделке, в случае, если два и более члена наблюдательного совета общества являются аффилированными лицами, в порядке и сроки, установленные законодательством;
- принятие решения об определении аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки, о предельном размере оплаты её услуг и заключении (расторжении) с ней договора;
- решение иных вопросов в соответствии с законодательством.

9.11. Вопросы, отнесённые к компетенции общего собрания акционеров, не могут быть переданы на решение исполнительному органу общества.

9.12. Вопросы, отнесённые к компетенции общего собрания акционеров, не могут быть переданы на решение наблюдательного совета общества, за исключением следующих:

- увеличение уставного фонда общества, а также внесение изменений и дополнений в устав общества, связанных с увеличением уставного фонда общества и уменьшением количества объявленных акций общества;
- определение цены размещения (выставления на организованные торги ценными бумагами) акций в соответствии с законодательством;
- образование исполнительного органа общества, избрание (назначение) его руководителя, досрочное прекращение его полномочий;
- установление размеров выплачиваемых исполнительному органу общества вознаграждений и компенсаций;
- утверждение годового бизнес-плана общества.

9.13. Правом голоса на общем собрании акционеров по вопросам, поставленным на голосование, обладают акционеры - владельцы простых акций общества.

9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

9.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотларни (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) ўз ичига олган ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг мухри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

9.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тартиби.

9.14. Право на участие в общем собрании акционеров имеют акционеры, зафиксированные в реестре акционеров общества, сформированном за три рабочих дня до даты проведения общего собрания акционеров.

9.15. Право на участие в общем собрании акционеров осуществляется акционером лично или через своего представителя. Акционер вправе в любое время заменить своего представителя на общем собрании акционеров или лично принять участие в нём. Представитель акционера на общем собрании акционеров действует на основании доверенности, составленной в письменной форме, содержащей сведения о представляемом и представителе (имя или наименование, место жительства или место нахождения, паспортные данные или данные идентификационной ID-карты). Доверенность на голосование от имени физического лица должна быть удостоверена нотариально. Доверенность на голосование от имени юридического лица выдается за подписью его руководителя и заверяется печатью этого юридического лица.

9.16. Сообщение о проведении общего собрания акционеров публикуется на Едином портале корпоративной информации, на официальном веб-сайте общества, в средствах массовой информации, а также направляется акционерам по электронной почте не позднее, чем за 21 (двадцать один) день, но не ранее чем за 30 (тридцать) дней до даты проведения общего собрания акционеров.

9.17. Сообщение о проведении общего собрания акционеров должно содержать:

- наименование и местонахождение (почтовый адрес) и адрес электронной почты общества;
- дату, время и место проведения общего собрания;
- дату формирования реестра акционеров общества;
- вопросы, включенные в повестку дня общего собрания;
- порядок ознакомления акционеров с информацией (материалами), подлежащей предоставлению акционерам при подготовке к проведению общего собрания;
- порядок участия и голосования на общем собрании акционеров, в том числе дистанционно с использованием информационно-коммуникационных технологий.

9.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси ва конунчиликга мувофиқ бошқа ахборотлар киради.

9.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

9.20. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 % (бир фоиз)га эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), йил якуни бўйича йиғилишини кузатув кенгаши ўтказилишига 10 (ўн) кун қолгунча, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамиятнинг кузатув кенгашига ушбу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.21. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

9.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

9.23. Жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

9.18. К информации (материалам), подлежащей предоставлению акционерам при подготовке к проведению общего собрания акционеров, относятся годовой отчёт общества, заключение аудиторской организации по результатам проверки годовой финансово-хозяйственной деятельности общества, сведения о кандидатах в члены наблюдательного совета общества, проект изменений и дополнений, вносимых в устав общества, или проект устава общества в новой редакции и иная информация в соответствии с законодательством.

9.19. Перечень дополнительной информации (материалов), обязательной для предоставления акционерам при подготовке к проведению общего собрания акционеров, может быть установлен уполномоченным государственным органом по регулированию рынка ценных бумаг.

9.20. Акционеры (акционер) общества, владеющие в совокупности не менее чем 1 % (одного процента) голосующих акций общества, в срок не позднее 10 (десяти) дней до проведения заседания наблюдательного совета по итогам года, вправе внести вопросы в повестку дня годового общего собрания акционеров и выдвинуть кандидатов в наблюдательный совет общества, число которых не может превышать количественного состава этого органа.

9.21. Акционеры (акционер) вправе внести изменения в список выдвинутых ими кандидатов в наблюдательный совет общества не позднее 3 (трёх) рабочих дней с даты опубликования сообщения о проведении годового общего собрания акционеров.

9.22. Вопрос в повестку дня общего собрания акционеров вносится в письменной форме с указанием мотивов его постановки, имени (наименования) акционеров (акционера), вносящих вопрос, количества и типа принадлежащих им акций.

9.23. При внесении предложений о выдвижении кандидатов в наблюдательный совет общества, в том числе в случае самовыдвижения, указываются имя кандидата, количество и тип принадлежащих ему акций (в случае, если кандидат является акционером общества), а также имена (наименования) акционеров, выдвигающих кандидата, количество и тип принадлежащих им акций.

9.24. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда 9.20 бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- 9.20. бандда белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) жамиятнинг 9.20. бандда назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- 9.22. бандда назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

9.25. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

9.26. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.27. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

9.28. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

9.24. Наблюдательный совет общества обязан рассмотреть поступившие предложения и принять решение о включении их в повестку дня общего собрания акционеров или об отказе во включении в указанную повестку дня не позднее 10 (десяти) дней после окончания срока, установленного в пункте 9.20. Вопрос, внесенный акционерами (акционером), подлежит включению в повестку дня общего собрания акционеров, равно как выдвинутые кандидаты подлежат включению в список кандидатур для голосования по выборам в наблюдательный совет общества, за исключением случаев, когда:

- акционерами (акционером) не соблюден срок, установленный пунктом 9.20.;
- акционеры (акционер) не являются владельцами предусмотренного пунктом 9.20. количества голосующих акций общества;
- данные, предусмотренные пунктом 9.22. являются неполными;
- предложения не соответствуют требованиям законодательства.

9.25. Мотивированное решение наблюдательного совета общества об отказе во включении вопроса в повестку дня общего собрания акционеров или кандидата в список кандидатур для голосования по выборам в наблюдательный совет общества направляется акционерам (акционеру), внесшим вопрос или представившим предложение, не позднее 3 (трёх) рабочих дней с даты его принятия.

9.26. Решения, принятые общим собранием акционеров, а также итоги голосования доводятся до сведения акционеров не позднее 30 (тридцати) дней с даты принятия этих решений.

9.27. Акционер вправе обжаловать в суд решение, принятое общим собранием акционеров в случае, если он не принимал участие в общем собрании акционеров по уважительной причине или голосовал против принятия такого решения.

9.28. Решение наблюдательного совета общества об отказе во включении вопроса в повестку дня общего собрания акционеров или кандидата в список кандидатур для голосования по выборам в наблюдательный совет общества может быть обжаловано в суд.

9.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 % (беш фоиз)ига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.30. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 % (беш фоиз)ига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

9.31. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

9.32. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 % (беш фоиз)ига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.33. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

9.34. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9.35. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 % (беш фоиз)ига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

9.29. Внеочередное общее собрание акционеров проводится по решению наблюдательного совета общества на основании его собственной инициативы, а также акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем 5 % (пяти процентов) голосующих акций общества на дату предъявления письменного требования.

9.30. Созыв внеочередного общего собрания акционеров по письменному требованию акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем 5 % (пяти процентов) голосующих акций общества, осуществляется наблюдательным советом общества не позднее 30 (тридцати) дней со дня представления письменного требования о проведении внеочередного общего собрания акционеров.

9.31. В требовании о проведении внеочередного общего собрания акционеров должны быть сформулированы вопросы, подлежащие внесению в повестку дня собрания, с указанием мотивов их внесения.

9.32. Наблюдательный совет общества не вправе вносить изменения в формулировки вопросов в повестку дня внеочередного общего собрания акционеров, созываемого по требованию акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем 5 % (пяти процентов) голосующих акций общества.

9.33. В случае если требование о созыве внеочередного общего собрания акционеров исходит от акционера (акционеров), оно должно содержать имя (наименование) акционера (акционеров), требующего созыва собрания, с указанием количества, типа принадлежащих ему акций.

9.34. Требование о созыве внеочередного общего собрания акционеров подписывается лицом (лицами), требующим созыва внеочередного общего собрания акционеров.

9.35. В течение 10 (десяти) дней с даты предъявления требования акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем 5 % (пяти процентов) голосующих акций общества, о созыве внеочередного общего собрания акционеров наблюдательным советом общества должно быть принято решение о созыве внеочередного общего собрания акционеров либо об отказе от его созыва.

9.36. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 % (беш фоиз)ига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) қонунчиликда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

9.37. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

9.38. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

9.39. Жамият кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари хисобидан қопланиши мумкин.

9.40. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган хар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

9.36. Решение об отказе от созыва внеочередного общего собрания акционеров по требованию акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем 5 % (пяти процентов) голосующих акций общества, может быть принято в случаях, если:

- акционер (акционеры), требующий созыва внеочередного общего собрания акционеров, не является владельцем предусмотренного законодательством количества голосующих акций общества;
- ни один из вопросов, предложенных для внесения в повестку дня, не отнесен к компетенции общего собрания акционеров;
- вопрос, предлагаемый для внесения в повестку дня, не соответствует требованиям законодательства.

9.37. Решение наблюдательного совета общества о созыве внеочередного общего собрания акционеров или мотивированное решение об отказе от его созыва направляется лицам, требующим его созыва, не позднее 3 (трёх) рабочих дней с момента его принятия.

9.38. Решение наблюдательного совета общества об отказе от созыва внеочередного общего собрания акционеров может быть обжаловано в суд.

9.39. В случае, если в течение установленного законодательством срока наблюдательным советом общества не принято решение о созыве внеочередного общего собрания акционеров или принято решение об отказе от его созыва, внеочередное общее собрание акционеров может быть созвано лицами, требующими его созыва. В этом случае расходы по подготовке и проведению общего собрания акционеров могут быть возмещены по решению общего собрания акционеров за счёт средств общества.

9.40. В случае, если акция общества находится в общей долевой собственности нескольких лиц, то правомочия по голосованию на общем собрании акционеров осуществляются по их усмотрению одним из участников общей долевой собственности либо их общим представителем. Полномочия каждого из указанных лиц должны быть надлежащим образом оформлены.

9.41. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 % (эллик фоиз)идан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

9.42. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

9.43. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 % (кирқ фоиз)идан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

9.44. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонунчиликда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

9.45. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аникланади.

9.46. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.47. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.41. Общее собрание акционеров правомочно (имеет кворум), если на момент окончания регистрации для участия в общем собрании акционеров зарегистрировались акционеры (их представители), обладающие в совокупности более чем 50 % (пятьюдесятью процентами) голосов размещённых голосующих акций общества.

9.42. При отсутствии кворума для проведения общего собрания акционеров объявляется дата проведения повторного общего собрания акционеров. Изменение повестки дня при проведении повторного общего собрания акционеров не допускается.

9.43. Повторное общее собрание акционеров, созванное взамен несостоявшегося, правомочно, если на момент окончания регистрации для участия в нём зарегистрировались акционеры (их представители), обладающие в совокупности более чем 40 % (сорока процентами) голосов размещённых голосующих акций общества.

9.44. Сообщение о проведении повторного общего собрания акционеров осуществляется в сроки и в форме, предусмотренные законодательством.

9.45. При переносе даты проведения общего собрания акционеров в связи с отсутствием кворума менее чем на 20 (двадцать) дней акционеры, имеющие право на участие в общем собрании, определяются в соответствии с реестром акционеров, имевших право на участие в несостоявшемся общем собрании.

9.46. Голосование на общем собрании акционеров осуществляется по принципу «одна голосующая акция общества - один голос», за исключением случаев проведения кумулятивного голосования по выборам членов наблюдательного совета общества.

9.47. Протокол общего собрания акционеров составляется не позднее 10 (десяти) дней после закрытия общего собрания акционеров в двух экземплярах. Оба экземпляра подписываются председательствующим на общем собрании и секретарём общего собрания.

9.48. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

• акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

• жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

• умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

• умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар хамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган карорлар кўрсатилиши лозим.

9.49. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга, ушбу уставга ва жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «SIMURG» АЖнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом"га амал қилади.

10 – МОДДА
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

10.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва жамият ушбу устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

10.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва жамият уставига белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланадиган 3 (уч) нафар аъзодан иборат.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг карорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ туланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг ўрни копланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

9.48. В протоколе общего собрания акционеров указываются:

• дата, время и место проведения общего собрания акционеров;

• общее количество голосов, которыми обладают акционеры - владельцы голосующих акций общества;

• количество голосов, которыми обладают акционеры, принимающие участие в собрании;

• председатель (президиум) и секретарь общего собрания, повестка дня собрания.

В протоколе общего собрания акционеров должны содержаться основные положения выступлений, вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним, решения, принятые собранием.

9.49. Общее собрание акционеров руководствуется действующим законодательством Республики Узбекистан, настоящим уставом и "Положением об общем собрании акционеров АО «SIMURG»", утверждаемым общим собранием акционеров общества.

СТАТЬЯ 10
ПОЛНОМОЧИЯ НАБЛЮДАТЕЛЬНОГО СОВЕТА.

10.1. Наблюдательный совет общества осуществляет общее руководство деятельностью общества, за исключением решения вопросов, отнесённых законодательством и настоящим уставом общества к компетенции общего собрания акционеров.

10.2. Наблюдательный совет общества состоит из 3 (трёх) членов, избираемых общим собранием акционеров в порядке, предусмотренном Законом Республики Узбекистан и уставом общества, сроком на 3 (три) года.

10.3. По решению общего собрания акционеров членам наблюдательного совета общества за период исполнения ими своих обязанностей могут выплачиваться вознаграждение и (или) компенсироваться расходы, связанные с исполнением функции членов наблюдательного совета. Размеры таких вознаграждений и компенсаций устанавливаются решением общего собрания акционеров.

10.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

10.5. Жамият Директори кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш ва жамиятнинг йиллик бизнес-режасини курсаткичларини ижроси юзасидан;
- амалдаги конунларда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя қилинаетганлиги, шу жумладан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳар йили хисобот бериш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонунчиликда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- қонунчиликда назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;

10.4. Лица, избранные в состав наблюдательного совета общества, могут переизбираться неограниченно.

10.5. Директор общества не может быть избран в наблюдательный совет общества. Членами наблюдательного совета общества не могут быть лица, работающие по трудовому договору (контракту) в этом же обществе.

10.6. К компетенции наблюдательного совета общества относится:

- определение приоритетных направлений деятельности общества с регулярным заслушиванием отчёта исполнительного органа общества о принимаемых мерах по достижению стратегии развития общества и о ходе выполнения показателей годового бизнес-плана общества;
- ежегодно отчитываться на общих собраниях акционеров по соблюдению установленных законодательством норм корпоративного управления, в том числе о принимаемых мерах по достижению стратегии развития общества;
- созыв годовых и внеочередных общих собраний акционеров общества, за исключением случаев, предусмотренных законодательством;
- подготовка повестки дня общего собрания акционеров;
- определение даты, времени и места проведения общего собрания акционеров;
- определение даты формирования реестра акционеров общества для оповещения о проведения общего собрания акционеров;
- внесение на решение общего собрания акционеров вопросов, предусмотренных законодательством;
- организация установления рыночной стоимости имущества;
- образование исполнительного органа общества, избрание (назначение) его руководителя, досрочное прекращение его полномочий. Решение о назначении руководителя исполнительного органа акционерного общества принимается, как правило, на основе конкурсного отбора, в котором могут принимать участие иностранные менеджеры;

• жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

• жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 10 (ўн) кундан кечиктирмай дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим;

• ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

• жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

• аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

• дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

• жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

• жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

• жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

• баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш)дан 50 % (эллик фоиз)игачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан кабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди;

• утверждение годового бизнес - плана общества. При этом бизнес - план общества на следующий год должен быть одобрен на заседании наблюдательного совета общества не позднее 1 декабря текущего года;

• предварительное утверждение годового отчёта общества не позднее, чем за 10 (десять) дней до даты проведения годового общего собрания акционеров;

• создание службы внутреннего аудита и назначение её работников, а также ежеквартальное заслушивание её отчётов;

• доступ к любым документам, касающимся деятельности исполнительного органа общества, и получение их от исполнительного органа для исполнения возложенных на наблюдательный совет общества обязанностей. Полученные документы могут использоваться наблюдательным советом общества и его членами исключительно в служебных целях;

• принятие решения о проведении аудиторской проверки (кроме обязательной аудиторской проверки), об определении аудиторской организации, предельном размере оплаты её услуг и заключении (расторжении) с ней договора;

• дача рекомендаций по размеру дивиденда, форме и порядку его выплаты;

• использование резервного и иных фондов общества;

• создание филиалов и открытие представительств общества;

• создание дочерних и зависимых хозяйственных обществ;

• принятие решения о совершении крупной сделки (в том числе заем, кредит, залог, поручительство), предметом которой является имущество, балансовая стоимость или стоимость приобретения которого составляет от 15 (пятнадцати) до 50 % (пятидесяти процентов) от размера чистых активов общества на дату принятия решения о совершении такой сделки, принимается членами наблюдательного совета общества единогласно, при этом не учитываются голоса выбывших членов наблюдательного совета;

• йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган тақдирда, йирик битим тўғрисидаги масала акциядорлар умумий йигилишига хал қилиши учун олиб чиқилади;

• аффилланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганаш ва аффилланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилиш. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади;

• жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

• жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни бир овоздан қабул қилиш;

• қонунчиликга мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

• жамият томонидан акциялар, қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини, корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

• қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини ва акциялар чиқарилиши тўғрисида қарорларини тасдиқлаш;

• жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

• ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

• амалдаги қонунчиликга ҳамда жамият уставига асосан жамият кузатув кенгаши ваколатига кирган бошқа масалалари ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

• вынесение на решение общего собрания акционеров вопроса о совершении крупной сделки, в случае, если единогласие наблюдательного совета общества по вопросу совершения крупной сделки не достигнуто;

• изучение информации и принятие решения по сделке с аффилированным лицом не позднее 15 (пятнадцати) дней с даты поступления в общество письменного уведомления аффилированного лица. Решение об одобрении сделки с аффилированным лицом принимается участвующими в заседании членами наблюдательного совета общества единогласно;

• заключение сделок, связанных с участием общества в коммерческих и некоммерческих организациях, в порядке, установленном законодательством;

• решение вопросов по увеличению уставного фонда общества, а также вопросов о внесении изменений и дополнений в устав общества, связанных с увеличением уставного фонда общества и уменьшением количества объявленных акций общества, принимается единогласно;

• определение цены размещения (выставления на организованные торги ценными бумагами) акций в соответствии с законодательством;

• принятие решения о выпуске обществом акций, производных ценных бумаг, корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции;

• утверждение проспекта эмиссии ценных бумаг и решения о выпуске акций;

• принятие решения о выкупе корпоративных облигаций общества;

• установление размеров выплачиваемых исполнительному органу общества вознаграждений и компенсаций;

• решение и иных вопросов, отнесённых к компетенции наблюдательного совета общества в соответствии с действующим законодательством и уставом общества.

Вопросы, отнесённые к компетенции наблюдательного совета общества, не могут быть переданы на решение исполнительного органа общества.

10.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

10.8. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.9. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

10.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

10.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

10.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.13. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби жамиятнинг уставида белгилаб қўйилади.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 % (етмиш беш фоиз)дан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 % (етмиш беш фоиз)дан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув

10.7. Выборы членов наблюдательного совета общества осуществляются кумулятивным голосованием. При кумулятивном голосовании число голосов, принадлежащих каждому акционеру, умножается на число лиц, которые должны быть избраны в наблюдательный совет общества, и акционер вправе отдать полученные таким образом голоса полностью за одного кандидата или распределить их между двумя и более кандидатами.

10.8. Избранными в состав наблюдательного совета общества считаются кандидаты, набравшие наибольшее число голосов.

10.9. Председатель наблюдательного совета общества избирается членами наблюдательного совета из его состава большинством голосов от общего числа членов наблюдательного совета.

10.10. Наблюдательный совет общества вправе переизбрать своего председателя большинством голосов от общего числа членов наблюдательного совета.

10.11. Председатель наблюдательного совета общества организует его работу, созывает заседания наблюдательного совета и председательствует на них, организует на заседаниях ведение протокола, председательствует на общем собрании акционеров.

10.12. В случае отсутствия председателя наблюдательного совета общества, его функции осуществляет один из членов наблюдательного совета.

10.13. Заседание наблюдательного совета общества созывается председателем наблюдательного совета по его собственной инициативе, по требованию члена наблюдательного совета, исполнительного органа общества, а также иных лиц, определённых уставом общества. Порядок созыва и проведение заседания наблюдательного совета общества определяется уставом общества.

10.14. Кворум для проведения заседания наблюдательного совета общества должен быть не менее 75 % (семидесяти пяти процентов) от числа избранных членов наблюдательного совета общества. В случае, когда количество членов наблюдательного совета становится менее 75 % (семидесяти пяти процентов) количества, предусмотренного Уставом, общество обязано созвать внеочередное общее собрание акционеров для избрания нового состава наблюдательного совета

кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонунчиликда, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

10.16. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

10.17. Жамият ушбу уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

10.18. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- унинг ўтказилган сана, вакт ва жой;
- мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овозга беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

10.19. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

общества. Оставшиеся члены наблюдательного совета вправе принимать решение о созыве такого внеочередного общего собрания акционеров, а также в случае досрочного прекращения полномочий руководителя исполнительного органа назначить временно исполняющего его обязанности.

10.15. Решения на заседании наблюдательного совета общества принимаются большинством голосов присутствующих, если законодательством, уставом общества, определяющим порядок созыва и проведения заседания наблюдательного совета, не предусмотрено иное. При решении вопросов на заседании наблюдательного совета общества каждый член наблюдательного совета обладает одним голосом.

10.16. Передача голоса одним членом наблюдательного совета общества другому члену наблюдательного совета не допускается.

10.17. Настоящим уставом общества предусмотрено право решающего голоса председателя наблюдательного совета общества при принятии наблюдательным советом решения в случае равенства голосов членов наблюдательного совета.

10.18. На заседании наблюдательного совета общества ведётся протокол. Протокол заседания наблюдательного совета составляется не позднее 10 (десяти) дней после его проведения. В протоколе заседания указываются:

- дата, время и место его проведения;
- лица, участвующие в заседании, в том числе дистанционно с использованием информационно-коммуникационных технологий;
- повестка дня заседания;
- вопросы, поставленные на голосование, итоги голосования по ним;
- принятые решения.

10.19. Протокол заседания наблюдательного совета общества подписывается участвующими в заседании членами наблюдательного совета общества, которые несут ответственность за правильность оформления протокола.

10.20. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.21. Жамият кузатув кенгаши қарорига кўра жамиятда кузатув кенгашига ҳисоботдор бўлган ва корпоратив қонунчилик бажарилишини назорат қилиш вазифасини амалга киритувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими киритилиши мумкин. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдикланган Низом асосида амалга оширилади.

10.22. Ўз фаолиятида кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликга, ушбу уставга ва жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдикланган "«SIMURG» АЖнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом"га амал қилади.

11 – МОДДА
ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамиятнинг Директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси рахбарини тайинлайди, штатларни тасдиклайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

11.3. Директор акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.20. Решения наблюдательного совета общества могут быть приняты заочным голосованием (опросным путём) всеми членами наблюдательного совета единогласно. Протокол заседания наблюдательного совета общества передаётся для исполнения исполнительному органу общества в день его подписания. В случае принятия наблюдательным советом решения о созыве общего собрания акционеров информация о данном решении передаётся исполнительному органу общества в день проведения заседания наблюдательного совета.

10.21. По решению наблюдательного совета в обществе может быть введена должность корпоративного консультанта общества, подотчетного наблюдательному совету общества и выполняющего функции контроля за соблюдением корпоративного законодательства. Деятельность корпоративного консультанта общества осуществляется на основании положения, утвержденного наблюдательным советом общества.

10.22. В своей деятельности наблюдательный совет руководствуется действующим законодательством Республики Узбекистан, настоящим уставом и "Положением о наблюдательном совете АО «SIMURG»", утверждаемым общим собранием акционеров общества.

СТАТЬЯ 11
ИСПОЛНИТЕЛЬНЫЙ ОРГАН ОБЩЕСТВА И ЕГО ПОЛНОМОЧИЯ

11.1. Руководство текущей деятельностью общества осуществляется Директором общества.

11.2. Директор общества без доверенности действует от имени общества, в том числе представляет его интересы, совершает сделки от имени общества, назначает руководителя филиала или представительства общества, утверждает штаты, издает приказы и дает указания, обязательные для исполнения всеми работниками общества.

11.3. Директор общества организует выполнение решений общего собрания акционеров и наблюдательного совета общества.

11.4. Жамият Директор ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно, шу жумладан:

- жамият номидан битим тузиш;
- жамият устави ёки бошқа ҳужжатларда кўрсатилгандек, мол-мулк ва пул маблагларини бошқариш;
- шартномалар тузиш, шу жумладан мехнат шартномалари;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб рақами ва бошка турдаги ҳисоб рақамлари очиш.

11.5. Жамият Директори аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатларида, ушбу уставида ҳамда "«SIMURG» АЖ ижроия органи тўғрисидаги Низомига" мувофиқ уларнинг ҳар бири билан жамият 3 (уч) йил муддатга шартноматузилиши белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.6. Жамиятнинг Директори жамият устави асосида иш юритади.

11.7. Директорни сайлаш (тайинлаш) ва муддатдан илгари ваколатини тўхтатиш кузатув кенгаши қарори билан амалга ошади.

11.8. Жамият кузатув кенгаши қарорига асосан Директорни тайинлаш, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган холда, танлов асосида қабул қилинади.

11.9. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ва жамият Директори ўз ҳуқукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

11.10. Агар ушбу модда коидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

11.4. К компетенции Директора общества относятся все вопросы руководства текущей деятельностью общества, за исключением вопросов, отнесённых к компетенции общего собрания акционеров или наблюдательного совета общества, в том числе:

- совершать сделки от имени общества;
- распоряжаться имуществом и денежными средствами в пределах, оговоренных уставом или другими документами общества;
- заключать договора и контракты, в том числе трудовые;
- выдавать доверенности;
- открывать в банках расчетный и другие счета.

11.5. Конкретные права, обязанности и ответственности Директора общества определяются законодательством и иными актами законодательства, настоящим уставом, договором, заключаемым с обществом сроком на 3 (три) года с ежегодным принятием решения о возможности его продления или прекращения, а также «Положением об исполнительном органе АО "SIMURG"» и должностными инструкциями. Договор от имени общества подписывается председателем наблюдательного совета или лицом, уполномоченным наблюдательным советом общества.

11.6. Директор общества действует на основании устава общества.

11.7. Избрание (назначение) Директора общества и досрочное прекращение его полномочий осуществляются по решению наблюдательного совета.

11.8. Назначение Директора по решению наблюдательного совета общества может быть осуществлено на конкурсной основе, где могут принимать участие иностранные менеджеры.

11.9. Члены наблюдательного совета общества и Директор общества при осуществлении своих прав и выполнении своих обязанностей должны действовать в интересах общества и нести ответственность в установленном порядке.

11.10. В случае, если в соответствии с положениями настоящей статьи ответственность несут несколько лиц, их ответственность перед обществом является солидарной.

11.11. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари ва жамият ижроия органининг жавобгар бўлмайди.

11.12. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида 1 % (бир фоиз)га эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси ёки директори устидан судга мурожаат қилишга ҳакли.

11.13. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.14. Жамиятнинг Директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.15. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

11.16. Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органининг ваколатларини тугатиш тўғрисида карор қабул килинган тақдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда яқин орадаги йиғилишида кўриб чиқиш учун колдирилиши мумкин.

12- МОДДА
ФИЛИАЛЛАР, ВАКОЛАТХОНАЛАР, ШУЪБА ВА ТОБЕ ЖАМИЯТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ФАОЛИЯТИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

12.1. Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритадиган, юридик шахс бўлмаган филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳакли.

11.11. Не несут ответственности члены наблюдательного совета, исполнительного органа общества, не принимавшие участия в голосовании или голосовавшие против решения, которое повлекло причинение обществу убытков.

11.12. Общество или акционер (акционеры), являющийся владельцем не менее чем 1 % (одного процента) размещённых акций общества, вправе обратиться в суд с иском к члену наблюдательного совета или Директору общества о возмещении убытков, причинённых обществу.

11.13. Размеры вознаграждений Директора общества находятся в прямой зависимости от эффективности деятельности общества и должны быть определены договором.

11.14. Совмещение функции Директора общества с должностью в органах управления других организаций допускается только с согласия наблюдательного совета общества.

11.15. Наблюдательный совет общества имеет право досрочного прекращения (расторжения) договора с Директором общества при нарушении им условий договора, при совершении им грубых нарушений устава общества или причинении обществу убытков его действиями (бездействием).

11.16. В случае принятия наблюдательным советом общества решения о прекращении полномочий исполнительного органа общества, вопрос о передаче полномочий исполнительного органа общества другому лицу может быть решен на том же собрании либо оставлен для рассмотрения на ближайшем собрании с назначением временно исполняющего обязанности руководителя исполнительного органа общества.

СТАТЬЯ 12
ПОРЯДОК СОЗДАНИЯ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ФИЛИАЛОВ, ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВ, ДОЧЕРНИХ И ЗАВИСИМЫХ ОБЩЕСТВ И ПРЕДПРИЯТИЙ

12.1. Общество вправе создавать филиалы и открывать представительства, не являющиеся юридическими лицами, действующие на основании положения, утверждённого наблюдательным советом

Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

12.2. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

12.3. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

12.4. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Шуъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

12.5. Шуъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган асосий жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шуъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шуъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуки фақат шуъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шуъба хўжалик жамиятининг уставида назарда тутилган тақдирда асосий жамият бундай ҳуқукка эга деб ҳисобланади.

12.6. Шуъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкрот бўлган тақдирда асосий жамият шуъба хўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

12.7. Асосий жамият шуъба хўжалик жамияти томонидан муайян ҳаракатлар амалга оширилиши окибатида унинг банкрот бўлиб қолишини олдиндан била туриб, шундай ҳаракатларни амалга ошириши учун шуъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатма берган ва (ёки) шуъба хўжалик жамиятининг имкониятидан фойдаланган ҳоллардагина шуъба хўжалик жамиятининг банкротлиги асосий жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

12.8. Шуъба хўжалик жамиятининг акциядорлари (иштирокчилари) асосий жамиятдан унинг айби билан шуъба хўжалик жамиятига етказилган зарарнинг ўрни копланишини талаб қилишга ҳақли. Асосий жамият шуъба хўжалик жамияти томонидан муайян ҳаракатлар амалга

общества. Имущество общества, которым наделяются филиал и представительство, учитывается на балансе общества.

12.2. Руководитель филиала или представительства назначается обществом и действует на основании доверенности, выданной обществом.

12.3. Создание обществом филиалов и открытие представительств за пределами Республики Узбекистан осуществляются в соответствии с законодательством страны по месту нахождения филиалов и представительств, если иное не предусмотрено международным договором Республики Узбекистан.

12.4. Общество может иметь дочерние и зависимые хозяйственные общества в форме акционерного общества или общества с ограниченной ответственностью. Дочернее хозяйственное общество не отвечает по обязательствам своего основного общества.

12.5. Основное общество, которое имеет право давать дочернему хозяйственному обществу обязательные указания, несёт солидарную ответственность с дочерним хозяйственным обществом по сделкам, заключенным последним во исполнение таких указаний. Основное общество считается имеющим право давать дочернему хозяйственному обществу обязательные указания только в случае, когда это право предусмотрено в договоре с дочерним хозяйственным обществом или уставе дочернего хозяйственного общества.

12.6. В случае банкротства дочернего хозяйственного общества по вине основного общества последнее несёт субсидиарную ответственность по его обязательствам.

12.7. Банкротство дочернего хозяйственного общества считается происшедшим по вине основного общества только в случаях, когда основное общество дало дочернему хозяйственному обществу обязательное указанные и (или) использовало возможность в целях совершения дочерним хозяйственным обществом действия, заведомо зная, что вследствие этого наступит банкротство дочернего хозяйственного общества.

12.8. Акционеры дочернего хозяйственного общества вправе требовать возмещения основным обществом убытков, причиненных по его вине дочернему хозяйственному обществу. Убытки считаются причиненными по вине основного общества только в случае, когда

оширилиши оқибатида унинг зарар кўришини олдиндан била туриб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шуъба хўжалик жамиятининг шундай ҳаракатларни амалга ошириши мақсадида фойдаланган ҳолдагина зарар асосий жамиятнинг айби билан етказилган деб ҳисобланади.

12.9. Агар бошқа иштирок этувчи жамият хўжалик жамиятининг овоз берувчи акцияларининг 20 (йигирма) фоизидан ортиғига эга бўлса, хўжалик жамияти тобе деб эътироф этилади.

13 – МОДДА
ЙИЛЛИК ХИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

13.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

13.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиш, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

13.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 10 (ўн) кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

13.5. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 2 (икки) ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

основное общество использовало имеющиеся у него права и (или) возможность в целях совершения дочерним хозяйственным обществом действия, заведомо зная, что вследствие этого дочернее хозяйственное общество понесет убытки.

12.9. Хозяйственное общество признается зависимым, если другое участвующее общество имеет более 20 (двадцати) процентов его голосующих акций.

СТАТЬЯ 13
ПОРЯДОК СОСТАВЛЕНИЯ, ПРОВЕРКИ И УТВЕРЖДЕНИЯ ГОДОВЫХ ОТЧЕТОВ

13.1. Общество обязано вести бухгалтерский учёт и предоставлять финансовую отчётность в порядке, установленном законодательством.

13.2. Ответственность за организацию, состояние и достоверность бухгалтерского учета в обществе, своевременное представление ежегодного отчёта и другой финансовой отчетности в соответствующие органы, а также сведений о деятельности общества, предоставляемых акционерам, кредиторам на официальном веб-сайте общества и в средства массовой информации, несет исполнительный орган общества.

13.3. Достоверность данных, содержащихся в финансовой отчётности общества и предоставляемых общему собранию акционеров, бухгалтерском балансе, счете прибыли и убытков, должна быть подтверждена аудиторской организацией, не связанной имущественными интересами с обществом или его акционерами.

13.4. Годовой отчет общества подлежит предварительному утверждению наблюдательным советом не позднее чем за 10 (десять) дней до даты проведения годового общего собрания акционеров.

13.5. Общество обязано не позднее чем за 2 (две) недели до даты проведения годового общего собрания акционеров опубликовать ежегодную финансовую отчетность, составленную в соответствии с Международными стандартами финансовой отчётности, после проведения ее внешнего аудита в соответствии с Международными стандартами аудита.

14-МОДДА
ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

14.1. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

- акциядорлар умумий йиғилишнинг қарорига биноан;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд қарори биноан;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга биноан.

14.2. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

14.3. Акциядорларнинг жамияти суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

14.4. Тугатиш комиссияси жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон чиққан пайтдан эътиборан 2 (икки) ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки қонунчиликга мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

14.5. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

СТАТЬЯ 14
ПОРЯДОК ЛИКВИДАЦИИ И РЕОРГАНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА

14.1. Общество может быть ликвидировано в следующих случаях:

- по решению общего собрания акционеров;
- по решению суда в соответствии с законодательством Республики Узбекистан;
- в иных случаях, предусмотренным законодательством.

14.2. В случае добровольной ликвидации общества наблюдательный совет ликвидируемого общества выносит на решение общего собрания акционеров вопрос о ликвидации общества и назначении ликвидационной комиссии. Общее собрание акционеров добровольно ликвидируемого общества принимает решение о ликвидации общества и назначении ликвидационной комиссии.

14.3. При ликвидации акционерного общества по решению суда назначение ликвидационной комиссии производится в порядке, установленном законодательством.

14.4. Ликвидационная комиссия публикует в порядке, установленном законодательством, в средствах массовой информации объявление о ликвидации общества, а также о порядке и сроке заявления требований его кредиторами. Срок для предъявления требований кредиторами не может быть менее 2 (двух) месяцев с даты опубликования сообщения о ликвидации общества.

В случае, если на момент принятия решения о ликвидации общество не имеет обязательств перед кредиторами, его имущество распределяется между акционерами в соответствии с законодательством.

14.5. Ликвидационная комиссия принимает меры к выявлению кредиторов и получению дебиторской задолженности, а также в письменной форме уведомляет кредиторов о ликвидации общества.

14.6. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

14.7. Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан қонунчилика белгиланган навбат тартибида, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, ушбу баланс тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

14.8. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, у тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Тугатиш комиссияси ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар тугалланганидан кейин жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

14.9. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

14.10. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

14.6. По окончании срока для предъявления требований кредиторами ликвидационная комиссия составляет промежуточный ликвидационный баланс, который содержит сведения о составе имущества ликвидируемого общества, предъявленных кредиторами требованиях, а также результатах их рассмотрения. Промежуточный ликвидационный баланс утверждается общим собранием акционеров ликвидируемого общества.

14.7. Если имеющихся у ликвидируемого общества денежных средств недостаточно для удовлетворения требований кредиторов, ликвидационная комиссия осуществляет продажу имущества общества с публичных торгов в порядке, установленном для исполнения судебных решений.

Выплаты кредиторам ликвидируемого общества денежных сумм производятся ликвидационной комиссией в порядке очередности, установленной законодательством в соответствии с промежуточным ликвидационным балансом, начиная со дня его утверждения.

14.8. После завершения расчётов с кредиторами ликвидационная комиссия составляет ликвидационный баланс, который утверждается общим собранием акционеров ликвидируемого общества.

После завершения процедур, предусмотренных настоящей статьёй, ликвидационная комиссия в порядке и сроки, установленные законодательством, осуществляет необходимые мероприятия по аннулированию государственной регистрации выпусков ценных бумаг общества.

14.9. Ликвидация общества считается завершенной, а общество - прекратившим существование с момента внесения регистрирующим органом соответствующей записи в единый государственный реестр юридических лиц.

14.10. Реорганизация общества осуществляется в форме слияния, присоединения, разделения, выделения и преобразования по решению общего собрания акционеров.

15-МОДДА
НИЗО ВА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

15.1. Акциядорлик жамиятнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда хал этилади.

15.2. Келишмовчиликларни юзага келган тақдирда, низо Ўзбекистон Республикаси суди томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ кўриб чикилади.

СТАТЬЯ 15
ПОРЯДОК РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ И РАЗНОГЛАСИЙ

15.1. Споры в области создания, деятельности, реорганизации и ликвидации акционерного общества, а также защиты прав акционеров разрешаются в порядке, установленном законодательством.

15.2. В случае возникновения разногласий, спор рассматривается судом Республики Узбекистан в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

«SIMURG» АЖ Директори / Директор АО «SIMURG»
Асфандиярова Тамила Камильевна